Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Б.Э.Хўжаевни Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг раиси этиб тайинлаш тўғрисида

Баҳодир Эргашевич Хўжаев Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг раиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 12 июль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Т.Набиевни Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг раиси вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Тўлаган Набиев пенсияга чиқиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг раиси вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 12 июль.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 13 июль, сешанба • № 81 (24.476).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Фармойиши

1. 1999 йил июль ойида рўй берган табиий офатдан зарар кўрган Тожикистоннинг Ленинобод вилояти аҳолисига мурувват ёрдами кўрсатиш мақсадида қуйидаги қурилиш материаллари бепул ажратилсин:
цемент — 201 тонна
шифер — 47 минг шартли плита
ойна — 3171 кв.м
ғишт — 40 минг дона

2. «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси (Низомов) кўрсатиб ўтилган юкларнинг ўз вақтида ортиб жўнатилишини таъминласин.

3. Белгиланган сонки, маҳсулотларнинг таннархи ва етказиб бериш билан боғлиқ харажатлар «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси тузилмасига кирувчи маҳсулот етказиб берувчи корхоналар харажатларига киритилади ва даромад (фойда)га солиқ солишни ҳисоблаб чиқаришда солиқ солинадиган базани камайтириш ҳисобига ҳисобдан чиқарилади.

«Ўзбекистон темир йўллари» компанияси (Эрметов) буюртманома бўйича вагонлар ажратсин, маҳсулотларни ташиш бўйича транспорт харажатларини асосий фаолият хизматларининг таннархига киритсин.

4. Ички ишлар вазирлиги (Алматов), Давлат божхона қўмитаси (Комилов), Давлат солиқ қўмитаси (Алимбоев) юкларнинг божхона божлари ва бошқа йиғимлар олмасдан тўхтовсиз ўтишини таъминласинлар.

5. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (Қосимов) қурилиш материалларини «Хўжанд» станциясида Ленинобод вилоятининг фавқулодда вазиятлар бўйича ваколатли вакилларига берилишини таъминласин.

6. «Ўзтелерадио» компанияси (Кўчимов), ЎзА (Болиев) кўрсатилаётган мурувват ёрдамини телекўрсатувларда ва оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласинлар.

7. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир Ў.Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 12 июль

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йил 13 июлдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади**

1 Австралия доллари	84,61	10 Люксембург франки	32,12
1 Австрия шиллинги	9,42	1 Малайзия рингги	33,43
1 Англия фунт стерлинги	197,34	1 Германия маркаси	66,24
10 Бельгия франки	32,12	1 Польша злотийси	32,51
1 Голландия гульдени	58,79	1 СДР	168,74
10 Греция драхмаси	3,99	1000 Туркия лираси	0,30
1 Дания кронаси	17,43	1 Финляндия маркаси	21,79
1 БАА дирхами	34,58	1 Франция франки	19,75
1 АҚШ доллари	127,02	1 Швейцария франки	80,70
1 Миср фунти	37,29	1 ЕВРО	129,56
10 Испания песети	7,79	10 Жанубий Корея вони	1,07
100 Италия лираси	6,69	10 Япония иенаси	10,39
1 Канада доллари	86,34	1 Россия рубли	5,20
1 Хитой юани	15,34	1 Украина гривнаси	32,16

***)Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Бош прокурорнинг сафари

БМТ ҳарбий трибуналининг бош прокурори Луиз Арбур кеча Болқон ярим ороли бўйлаб сафарини Албаниядан бошлади. Бир ҳафталик сафардан асосий мақсад—Югославия Президенти Слободан Милошевич ва ҳарбий жиноятларни амалга оширишда айбланаётган бошқа шахсларга қарши кучларни бирлаштиришдир. Луиз Арбур Албания ва Македонияда расмий кишилар билан музокаралар олиб боради ва Косовога йўл олади. У бу ерда ҳарбий жиноятлар бўйича ҳужжатлар тўплаётган терговчиларнинг айримлари билан учрашади. Бу прокурорнинг вилоятга дастлабки сафаридир. Шу йилнинг январь ойида Югославия ҳукмрон доиралари унга виза беришдан бош тортишганди.

Янги ҳукумат иш бошлади

Бельгияда умумий сайловлар бўлиб ўтгандан буён бир ойдан сўнг ҳокимият тепасига келган янги ҳукумат иш бошлади. Янги Вазирлар Маҳкамасига Гай Верхофстадт раҳбарлик қилмоқда. У олти партия коалициясини бошқаради. Кейинги қирқ йил ичида биринчи марта ҳукумат таркибида христиан демократлар йўқ. Чунки улар 13 июндаги сайловда жиддий мағлубиятга учрашди. Янги бош вазир жамоатчиликнинг янги Вазирлар Маҳкамасига бўлган ишончини мустаҳкамлаш учун жиддий қадамлар қўйишга тайёр эканлигини билдирди.

Жангарилар Кашмирни тарк этмоқда

Деҳли ва Исломободдан хабар қилишларича, 2 ойлик қақшатқич жанглардан сўнг жангарилар Кашмирни тарк эта бошлашди. Покистон вакилларининг сўзларига кўра, улар Ҳиндистон билан ўт очишни тўхтатиш бўйича келишиб олишган. Икки мамлакат олий даражадаги вакилларининг учрашуви натижасида шунга эришилди. Покистон ташқи ишлар вазири Сартож Азизнинг баёнотига кўра кўпгина жангарилар Кашмирни тарк этишга рози бўлишди. Айримлари эса курашни давом эттиришмоқда.

Шартнома имзоланди

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида мамлакатимиз ҳукумати ва Корея Республикаси ҳукумати ўртасида Корея Республикаси иқтисодий ривожлантириш бўйича ҳамкорлик жамғармаси (EDCF) томонидан республикамизга имтиёзли, узоқ муддатли заём ажратиш тўғрисидаги шартнома имзоланди. Мазкур заёмнинг берилиши мамлакатимиздаги телекоммуникация тизимларини қайта жиҳозлаш ва уни ривожлантиришга кенг йўл очиб, DTS тизимидаги 40 мингта рақамли йўналишларни ва бошқа ускуналарни монтаж қилиш, коммуникацион тизимлардан фойдаланишни техник қўллаб-қувватлаш имконини беради. Фарғона водийсининг Тошлоқ, Водил, Қува, Андижон, Асака, Хонобод ва Қорасув каби тўққизта шаҳар ва аҳоли пунктларидаги алоқа тизимлари 46 минг йўналишли ҳажмга эга бўлган янги станциялар билан жиҳозланади.

Юқорида қайд этилган мақсадларга икки давлат ҳукуматлари ўртасидаги шартномага мувофиқ 12,5 миллиард Корея вони (10 миллион АҚШ долларидан зиёд) миқдоридаги имтиёзли, узоқ муддатли кредит ажратиш кўзда тутилган. Кредит йилига 3 фоизлик устама билан 5 йиллик имтиёз бўйича 20 йиллик муддатга берилмоқда. Қурилиш ва монтаж ишларини икки йилда тугатиш мўлжалланиб, 2001 йилда станция ва узатиш тизимларини фойдаланишга топшириш кўзда тутилган.

Шартномани Корея Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси ва Ўзбекистон Республикаси молия вазири имзолашди.

«Жаҳон» ахборот агентлиги

Элчихона билан ҳамкорликда

Самарқанд вилоят педагогик ходимлар малакасини ошириш институтида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган Франция элчихонаси билан ҳамкорликда фаранг тилини ўқитишни яхшилаш, дарс савиясини ошириш ва халқ урф-одати ҳамда тарихини чуқур ўрганишга бағишланган амалий машғулот бўлиб ўтди.

— Ўзбекистонлик ёшларда тилимизни ўрганишга қизиқиш катта. Бунинг учун шаҳрингизда имкониятлар ҳам мавжуд, — дейди элчихонанинг Тил ва таълим бўйича атташси Жерор Барбарей. —Дўстлигимизни янада мустаҳкамласак, икки буюк халқ ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқалар кун сайин ривожланаверади.

Аслиддин АБДУЛАЗИЗ ўғли

Маънавият-маърифат республика кенгаши ташаббус гуруҳи мажлиси

Вазирлар Маҳкамасида Маънавият-маърифат республика кенгаши ташаббус гуруҳининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда гуруҳ аъзолари — давлат ва жамоат ташкилотлари, вазирликлар, қўмиталар, ижодий уюшмалар, оммавий ахборот воситалари, олий ўқув юртларининг раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ҳамда вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳокимининг ўринбосарлари иштирок этди.

Мажлисни республика Бош вазирининг ўринбосари Ҳ. Кароматов олиб борди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблари «Хушёрликка даъват» номи билан алоҳида китоб шаклида чоп этилди. Унда ижтимоий-иқтисодий тараққиётни янада жадаллаштириш, аҳолини, айниқса ёшларни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш, миллий мафкурани шакллантириш бўйича белгиланган теран фикр-мулоҳазалар, кўрсатмалар барчамизни бу борада чуқур мушоҳада юритишга ва амалий ишларга ундамоқда. Ташаббус гуруҳининг мажлиси ҳам мазкур масалалардан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланди.

Мажлис қатнашчилари шуни қайд этишдики, бугунги кунда мафкуравий кураш нафақат мамлакат ичида, балки халқаро миқёсда ҳам кескин паллага кирди.

Бугун кимнинг мафкураси, маънавияти, миллий ғояси қудратли бўлса, ўша енгиб чиқади. Президентимиз Ислом Каримов ўз асарларида бир неча бор уқтириб ўтганидек, «мафкура полигонлари ядро полигонларидан кучлидир». Ҳозирги вазиятда қурол-яроғ билан эмас, балки «фикрга қарши фақат фикр, ғояга қарши фақат ғоя, жаҳолатга қарши фақат маърифат» билангина курашиб, ғалаба бериш мумкин.

Сўзга чиққанлар мустақил демократик ва фуқаролар дунёвий жамиятини барпо этиш йўлида халқимиз эришаётган ютуқларни, тинч-осойишта турмушимизни кўролмаётган ғаламис кучларнинг хавфсизлигимизга раҳна солиб, ёшларимизни йўлдан уриш, уларнинг онгига бизга ёт бўлган ақидаларни сингдириш борасидаги хатти-ҳаракатларининг пайини қирқиш жамоат ташкилотлари олдида турган долзарб вазифа эканлигини таъкидладилар. Мазкур соҳада муайян ишлар амалга оширилаётганини эътироф этган ҳолда, маънавий-маърифий тарғибот масалаларида ўзибўларчиликка йўл қўйилаётгани, бу муҳим ишда тарқоқлик, эътиборсизлик, тасодифий тадбирлар ўтказиш билан чекланиб қолинаётганига мажлисда алоҳида эътибор қаратилди. Маънавий ҳаётда муҳим ўрин тутувчи, ўз фаолияти билан кишиларимиз онгига, тафаккурига, дунёқарашига таъсир кўрсатишга, янги инсонни тарбиялашга дахлдор бўлган ўнлаб давлат ва жамоат ташкилотлари, жамғарма ва ижодий уюшмалар бўла туриб, бу муҳим вазифа бугунги кун талаблари даражасида бажарилмаётир.

Мажлисда одамлар онгида, тафаккурида туб ўзгаришларга эришмай туриб, кўзланган олий мақсад — озод ва обод жамиятни барпо қилиб бўлмаслиги алоҳида қайд этилди. Шу боис ҳам жамиятимизда миллий манфаатларимизга зид ва бузғунчи ғоявий кучларга қарши кураш олиб борадиган самарали тизим шакланмоғи лозим. Мажлисда афсус билан қайд этилганидек, жойларда маънавий-маърифий ишларга эътибор сусайиб кетган. Хусусан, мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислоҳотлар, ҳаётимизни фаровон қилиш, жамиятимизни янгилаш мақсадида олиб борилаётган кураш ва шу эзгу ниятларимизга тўсиқ бўлиб турган муаммолар, дунёда юз бераётган муҳим воқеалар моҳиятини кенг жамоатчиликка содда, ҳаётий мисоллар ёрдамида тезкорлик билан етказиш ишлари қониқарсиз аҳволда. Бу масаланинг нақадар муҳимлигини англаб етмайдиган, унга бепарво муносабатда бўлаётган раҳбарлар ҳам учрайди. Очиғини айтганда, маънавият ва мафкура соҳасидаги тарғибот-ташвиқот ишларимиз кўпинча тор доирада қолиб кетмоқда. Аҳолининг кенг қатламларига, айниқса, тажрибасиз, дунёқараши чекланган айрим ёшларнинг онгига етиб бормаяпти.

Бунинг натижасида ҳали онги шакланмаган, ғўр ёшлар ёт таъсирларга, бузғунчи ғояларга кўр-кўрона берилиб, ёвузлик гирдобига тушиб қолмоқдалар. Мудҳиш февраль воқеалари шуни кўрсатди.

Давлатимиз раҳбари бугунги долзарб вазифа жамиятимиз барча аъзоларини, энг аввало вояга етиб келаётган ёш авлодни комрон қилиб камол топтириш, уларнинг қалбида миллий ғоя, миллий мафкура, ўз Ватанига меҳр-садоқат туйғусини мустаҳкамлаш, ўзлигини англаш, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашдан иборат эканлигини қайта-қайта таъкидламоқда. Сирасини айтганда, маънавият ва мафкура борасида қанчалик муҳим ва зарур ишлар амалга оширилаётган бўлса-да, айрим ҳолларда, афсуски кеч қоляпмиз. Юртбошимиз томонидан белгиланган бу вазифалар нега мукаммал бажарилмаяпти? Нега уни ҳаётга татбиқ этишда айрим зиёлиларимиз, хусусан фан арбоблари, олимлар, шоир ва ёзувчилар, «Маънавият ва маърифат» маркази ходимлари лоқайдлик кўрсатмоқда? Нега улар томошабин бўлиб турибди?

Дарҳақиқат, бугунги кунда мафкуравий кураш, айниқса комрон авлод тарбияси масаласи муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу боис, миллий истиқлол мафкураси ва мустақиллик ғояларини кенг жамоатчилик онгига сингдириш, аҳолининг барча қатламлари орасида тарғибот ва ташвиқот ишларини такомиллаштириш, уларнинг таъсирчанлигини ошириш мақсадида мунтазам фаолият олиб борадиган самарали тизимни вужудга келтириш учун Маънавият-маърифат республика кенгаши тузиш тўғрисидаги таклиф мажлис иштирокчилари томонидан қизғин қўллаб-қувватланди.

Сўзга чиққанларнинг билдирган фикр-мулоҳазалари, амалий таклиф ва тавсияларини инобатга олиб, мажлисда Маънавият-маърифат республика Кенгаши ташаббус гуруҳининг қарори қабул қилинди. Қарорга кўра, бу борадаги ишларни амалга ошириш учун Ташкилий гуруҳ тузиш ва унга бир ой муддат ичида Кенгашнинг таркибий тузилиши, фаолият йўналишлари, мақсад ва вазифалари акс этган Низом ва Дастур ишлаб чиқиш вазифаси топширилди. Кенгаш қошида замонавий билимга эга, миллий мафкура ва истиқлол ғояларини чуқур идрок эта оладиган, уларни кенг жамоатчиликка таъсирчан шаклда етказишга қодир бўлган, фидойи, ватанпарвар зиёлилардан иборат жамоатчи тарғиботчилар гуруҳи тузиш таклифи ҳам маъқулланди. Кенгашнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар бўлимларини тузиш, уларга шу масъулиятли вазифага билими ва маънавий-маърифий савияси жиҳатидан мос келадиган ҳокимларнинг бевосита раҳбарлик қилиши мақсадга мувофиқ деб топилди.

Маънавият-маърифат республика кенгашининг таъсис конференциясини 1999 йил 10 августга қадар Тошкент шаҳрида ўтказиш белгиланди. Маънавият-маърифат республика Кенгашини тузиш бўйича Ташкилий гуруҳ раҳбари этиб Бош вазир ўринбосари Ҳ. Кароматов тайинланди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов сўзга чиқди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Н. Жўраев, А. Зиё, Т. Рисқиев, Президентнинг Ахборот-таҳрир хизмати раҳбари М.Муҳаммад Дўст, Президент девони Ахборот тарғибот-таҳлил маркази раҳбари С. Ҳакимов, Бош вазир ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Д. Ғуломова, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қатнашди.

(ЎзА)

Бешигига ўт қўймоқчи бўлганлар

Ватанни бешикка қиёслайдилар. Бунинг теран маъноси бор. Одамзот мана шу бешикда кўз очади, улғаяди, оқ-қорани танийди, унинг қучоғида илдиз отиб, орзу-ҳавасига етади. Бешикда онанинг нафаси, алланинг садоси, сутнинг ҳиди — ҳуллас, болаликнинг энг покиза аломатлари, тирикликнинг энг ширин белгилари пинҳон. Модомики, шундай экан, ўз бешигига ўт қўймоқчи бўлган, яъни 16 февраль куни пойтахтимизни олов домига ташлаган ва бундай ёвузликларни яна давом эттиришни кўзлаб юрган касларнинг қилмиши қайси ақидага тўғри келади?

Ҳаётнинг маъноси азал-азалдан аввало икки нарсада — адолатнинг тантанаси ва зулмнинг заволида яққол намоён бўлади. Ана шу икки нарсага ишонч бўлмаса эди, Ер юзидаги одамлар аллақачон жаҳолат ва ҳақсизликка қўникар, оммавий лоқайдликка берилиб кетар эди. Мана, адолат ғалаба ҳам тантана қилди, ҳақиқат ўз кучини яна бир карра намоён этди — Ватанга, юрт йўлбошчисига қўл кўтариб, бегунох одамларнинг қонини тўккан, умумнинг ҳаловатини бузган қўпорувчилар ҳақ жазога ҳукм қилинди. Жўмард халқимиз, озод мамлакатимиз муборак тупроғини ёвуз кимсаларга топтатиб қўймаслигини яна бир бор исботлади.

Ахир, бу Ватанга кимлар қўл кўтариб келмаган, кимлар зилол дарёларини булғаб, муаттар боғларини хароб этишга чоғланмаган?! Аммо барчасининг қисмати маълум: ҳаммаси охир-оқибатда ер тишлаган. Иншооллоҳ, бундан кейин ҳам шундай бўлажак!

Одамзотга хос бир одат бор: муқаддас ғўша — қутлуғ хонадонга киришдан аввал уст-бошни чанг-ғубордан тозалаб, кўнгилга эзгу ниятларни тугиб, кейин остона ҳатлаганди. Мусулмон киши эса салом бериб — тинчлик тилаб, сўнг ичкарига қадам босади. Одамийликни ҳам, мусулмончиликни ҳам пулга сотган хоинлар эса ўз хонадони — Ватанига манфур ният билан ҳужум қилди, ўз уйига ўғирликка кирди, ҳатто юрт дарвозаларини ёт кимсаларга очиб беришдек жирканч ниятдан ҳам ҳазар қилмади. Лекин халқимиз ва Ватанимиз тақдири четдан туриб, бириккита жаллоднинг раъйига қараб ҳал этиладиган замонлар ўтиб кетди!

Февраль сабоқлари

Халқ билиб гапиради: **«Яхши одам юрт тузар, ёмон одам юрт бузар»**. Бу ёқда — муборак Ватан тупроғида юрт оғалари мамлакатни обод этиш учун, чегараларимиз дахлсиз, кўнглимиз хотиржам бўлсин, ўзбекнинг ўзбеклигини бутун дунё танисин дея элу юрт дардида туну кун елиб-югурса-ю, у ёқда — ёт элларда тайёр ошга баковуллар пайдо бўлиб, ғараздан, аламдан гулгун диёр кулини кўкка совуриш режасини тузса ва бу қонхўрликларини «жиҳод», «муқаддас уруш» деб барчани лақиллатмоқчи бўлса!

Халқ аксари сўзга кирмайдиган, айтганим - айтган, дея гапида туриб оладиган кимсаларни **«Манманлик балосига гирифтор бўлгур!»** деб лаънатлайди. Бу ёвузлар ҳам манманлик балосига мубтало бўлганиқ аниқ. Уларнинг ниятича, юрт хароб бўлса бўлсин, мамлакат қонга ботса ботсин, лекин ўзларининг ўйлагани амалга ошса бас! Оқ ювиб, оқ тараган, нон-туз берган халққа нисбатан бунчалик ёмонлик соғинишнинг боиси нима?

Шу Ватан довруғини оламга ёйиш учун илм излаб дунё кезган буюк алломаларимизнинг, шу юрт ҳаёту шавкатини етти иқлимга таратиш учун ёвга қарши мардона кўкрак керган жаҳонгир боболаримизнинг, миллат озодлиги учун буюк жанг-ҳоларда жон олиб, жон берган жўмард аждодларимизнинг руҳи урмайдими уларни!

(Давоми 2-бетда)

Бешигига ўт қўймоқчи бўлганлар

(Давоми. Боши 1-бетда)

Лекин юртбузарларнинг юзида заррача уялиш, хижолат туйғуси йўқлиги кишини ҳайратга солади. Аксинча, айримлари ўзини оқлаш билан овора. Ҳам зўрлик, ҳам пешгирлик, деб шунга айтсалар керак-да!

Тасаввур этинг, вужудининг бирор жойида оғриқ қўзиб турадиган бемор билан дардлашишингиз, самимий суҳбат қуришингиз мумкин. У дўстлар дийдорини кўриб, яхши тилакларни эшитиб, ҳатто танасидаги оғриқни эсдан чиқариб юбориши ҳам ҳеч гап эмас. Чунки унинг дили соғлом, руҳи тетик, қалб томирларидан меҳр оқиб туради. Аммо манманлик касалига чалинган одамга кўнглингизни ёриб кўрингчи?

Манманлик — бедаво дард. Бу дардга мубтало бўлган одамга бирор нарсани тушунтириб бўлмайди, у мулоқотга яроқсиз. Президент Ислом Каримов бундай тоифадаги одамларга жуда ҳаққоний таъриф берган «...**Улар миясига ўрнашиб қолган ақидадан ўзга бирон-бир ҳақиқатни тасаввурига ҳам сиғдира олмайди. Агар улар билан баҳсга киришмоқчи бўлсангиз, иккита саволга жавоб беради-ю, кейин қотиб тураверади — учинчи саволга жавоб беришга на билим бор, на идрок, на ҳаётий тажриба».**

Собиқ совет тузуми манманликнинг давлатлашган шакли эди. Шу боис у дунёдаги бирорта куч билан ҳисоблашмас, ўзининг тескари сиёсатини ҳар қандай ҳақиқатдан устун деб билар эди. Бу тузум заволга юз тутди-ю, лекин унга хос бўлган иллатлар айрим гуруҳ ва тоифалар тимсолида давом этаверди: манманлик ғоҳ сохта мухолифлик, ғоҳ диний экстремизм ва ақидапарастлик кўринишида намоён бўла бошлади.

Манман киши ўзини ҳаммадан зиёд деб билади, кўпнинг фикри билан ҳисоблашиб ўтирмайди. Унинг асосий мақсади — барчадан устун бўлиш ва шу тариқа «зўрлиги»ни исботлаш. У зўрликни, зулмни «тарбия» воситасига айлантирмоқчи бўлади. Бундай кимсалар бемаъни ҳою ҳавасларини яшириш учун ғоҳ динни, ғоҳ миллатнинг асрий орзуларини ёхуд умумбашарий ғояларни ниқоб қилиб олади ва аллақандай ҳалоскор қиёфасида намоён бўлишга интилади. Ишқилиб, мақсадга етказувчи бир восита бўлса бас, **мақсад ҳар қандай воситани оқлайди.** Мана уларнинг «демократик», «диний» маслагининг моҳияти. Пуч даъволарига кўра демократ, диндор бўлиб кўринсалар-да, аслида большевиклардан сира фарқи йўқ: ҳокимиятга эришиш зарурати тақозо этса, бир думалаб демократ ҳам, диндор ҳам бўлиб олишлари ҳеч гап эмас.

Лекин ўзлигини топиб, тарихий тараққиёт йўлига тушиб олган халққа «халоскор»нинг сира ҳожати йўқ. У сохта жонкуярларнинг мададига зор ҳам эмас. Президентимиз таъбири билан айтсак, «**энди елкасига офтоб тегиб, эркин нафас ола бошлаган халқ кишанини қайтадан киймайди**». Бугунги кунда халқнинг асосий халоскори — маърифат. Халқ маърифат машъаласини нақадар баланд тутса, жаҳолат қўланкаси шу қадар тез чекинади.

«Ҳизбут-таҳрир» ва бошқа диний ақидапарастлик оқимларига мансуб гуруҳларнинг, ҳатто 16 февралдаги қонли воқеалардан сўнг ҳам, йўлидан қайтмаётгани, ҳанузгача содда кишиларни, айниқса ёшларни авраб, ортидан эргаштиришга уринаётгани, унда-бунда ҳамон варақа ва ёт мафкура адабиётларини тарқатишга ҳаракат этаётгани кишини янада ҳушёр бўлишга ундайди.

Дурустроқ ўйлаб кўрсак, улар

2

тарғиб этаётган «халифачилик» ғояси аслида янгича ниқобдаги мустамлакачилик ва мустабидликдир, мафкуравий шаклдаги манманликдир. Бошқача айтганда, асосий мақсади бойлик ва ҳокимиятга эришиш бўлган бу кучлар ва уларнинг ортида турганлар, қўйиб берилса, ўзларининг пуч ғояларини қаерларгадир синовдан ўтказмоқчи. Буни «Февраль воқеалари» фильмида тилга олинган, кўрсатилган далиллар ҳам тасдиқлаб турибди.

Президентимиз одамларимиз онгида бўшлиқ пайдо бўлмасин, дея бежиз қайта-қайта такрорлаётгани йўқ. Ғоя билан савдо қилувчи «халоскор»ларга айнан ана шундай бўшлиқ керак. (Коммунистларнинг асримиз бошида синов учун Россия ва унинг мустамлака ўлкаларини танлаганини ёдга олинг. Чунки Россия ўша пайтда ғоявий, мафкуравий инқироз домида қолган эди.) Дунёнинг аллақайси бурчагида ниятлари амалга ошгудек бўлса борми, ана ундан кейин кўринг «тажрибачилик»нинг авж олишини. (Большевикларнинг октябрь тўнтаришидан кейинги бутун дунё инқилобини амалга ошириш ҳақидаги даъволарини эсланг.) Йўқса, ўз заминида кўкармаган уруғни ўзга тупроққа олиб келиб сочишдан не фойда?

«Февраль воқеалари» ҳужжатли фильмида келтирилган далиллардан маълум бўлдики, Тошкентдаги қўпорувчилик ҳаракатлари содир этилишидан олдин қанчадан-қанча зарарли адабиётларни келтиришга, ёт мафкурани яширинча тарғиб этишга уринишлар бўлган. Мақсад — халқни, аввало, ёшларни йўлдан оздириш.

Фильмни томоша қилиб, қўпорувчилик, босқинчилик мақсадида юртимизга хавф солаётган ёвуз кучларнинг фаолиятини таҳлил этиб, уларнинг қонхўр большевиклардан сира фарқи йўқлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз. Сирасини айтганда, зўравонлик, фитна-фасод йўли билан ҳокимиятни эгаллашга интилиш, қандай ғоя остида кечишидан қатъи назар, моҳиятдан бари бир хилдир. Ахир, мана шундай ёвуз уринишлар оқибатида озор чеккан, ҳалок бўлган одамлар учун уларнинг қандай мафкура асосида амалга оширилганлигининг нима аҳамияти бор? Зеро, энг юксак ғоя, энг олижаноб мафкура ҳам инсониятга нисбатан содир этилган жиноятни оқлашга сабаб бўлолмайди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Президенти энг мураккаб дақиқаларда ҳам мафкура борасидаги қураш тамойилларидан чекинмади: ғояга фақат ғояни, фикрга қарши фақат фикрни, жаҳолатга қарши фақат маърифатни асосий қурол деб билди. Бузғунчи тўдалар халқ кўнглида уйғотмоқчи бўлган қўрқув ва ваҳимага тўсиқ ўлароқ буюк вазминлик, сабр-матонат кўрсатди, шу тариқа оммавий саросимага йўл қўймади. Содир этилган шафқатсизлик нақадар оғир бўлишига қарамай, йўлдан адашганларга нисбатан бағрикенглик қилди, айбига иқрор бўлиб келганларни кечирди. Бунинг натижасида ёшлар шафқатсизлик нимаю меҳр-шафқат нима эканини яхши тушуниб олди. Жиноят ёқасида турган ёшлар инсонийликка қайтди. Бу — жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш самараси эди.

Манбаларда айтилишича, исломнинг илк даврларида хаворижлар (хорижийлар - ажралиб чиқувчилар) ҳокимият васвасасига тушиб, Расулуллоҳ хонадонига кўп жабр-зулм етказган экан. Буни «Ҳазрати Султон тарихи» рисоласи («Ҳазрати Султон тарихи ва ҳазрати Башир манақиби» китоби. Тошкент, «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни, 1996 йил) мисолида яққол кўриш мумкин. Унда ёзилишича, Расулуллоҳнинг невараси, Ҳазрати Алининг фарзанди Имом Ҳусайн Мадинада ҳоким бўлиб турган пайтда Шом ҳокими, хаворижлар етакчиси Язид ибн Муовия уни ўзига бўйсундирмоқчи бўлади. У Имом Ҳусайнни ўз раъйига кўндира олмагач, Мадина аҳлига турлича тазйиқлар ўтказа бошлайди. Имом Ҳусайн ёв фитналаридан ниҳоят безор бўлиб, ироқликларнинг ёлғон ваъдаларига ишониб, қариндош-уруғлари билан Кўфа шаҳри сари йўл олади. Кўфа ҳукмдори Ибн Зиёд ваъдани унутиб, ул зотни Язидга тутиб бермоққа чоғланади. Имом Ҳусайн Карбало даштига келиб тўхтайди. Шундан сўнг Ибн Зиёд Умари Саъд бошлиқ лашкарини юбориб, Имомни тутиб келтиришни бу-

3

юради. Ёғий лашкари мадиналикларни қамал қилиб, дарёдан сув олишга ҳам изн бермай қўяди. Шунда Имом Ҳусайн хаворижларга мурожаат этиб бундай дейди: «Келинглар, бир мунозара қилайлик. Аввал улки, менга йўл беринглар. Мен Язиднинг қошига борайин. Саволимга жавоб берса, байъат қилайлик (бўйсунайлик). Иккинчи улки, менга дахл қилманглар. Бобом Расулуллоҳнинг равзаи шарифларига бориб тоат ва ибодатга машғул бўлай. Учинчи улки, менга сув беринглар. Негаки, сувда ҳамма халқнинг ҳаққи бор». Бироқ хаворижлар: «Эй Ҳусайн, сен Язидга байъат бермагунча бизлар сенга сув бермасмиз», деб туриб олади. Кўрдингизми, буларнинг ҳам мулоқотга, мунозарага асло тоби йўқ. Чунки мақсад фақат бойлик, ҳокимият. Кўфа ҳокими Умари Саъднинг қотилликка юборишдан олдин Табаристон ҳокимлигини беришни ваъда қилади ва: «Бу шарт билан, Карбалога бориб Ҳусайнни Язид байъатига киргизгайсан. Агар унамаса, Ҳусайнни, тобелари бирла, бошини кесгайсан». Жуда таниш манзара, шундай эмасми?

Умари Саъднинг отаси қайсидир бир жангда Расулуллоҳ учун жонини қурбон қилган экан. Буни қарангки, бойлик ва ҳокимият васвасаси ўғилни отанинг ақидасига қарши қилиб қўйибди — у падарининг дўстларига қарши ёвузларча қўл кўтарибди.

Беихтиёр ўйга толасиз: бугунги кунда мутлақо ёт ўлкаларда куч йиғиб, Ватанимизга тиғ кўтариб келаётган, боболари бунёд этган биноларни вайрон қилиб, аждодлари эътиқод қилган ва довруғини оламга ёйган динни бузишга, кундан-кунга обод бўлиб бораётган юртни ғорат этишга уринаётган кимсаларнинг илк ислом давридаги ўша амал бандаларидан нима фарқи бор?!

Не аламки, бир замонлар Расулуллоҳ хонадони чироғини ёқиб турган саййидзодаларга тиғ отишдан тап тортмаган ҳоҳил ва манман кимсаларнинг «издош»лари бугунги кунда ҳам учраб турибди. Ёки одамзотнинг қисмат китоби азалдан шундай битилганмикан: бир саҳифаси нуқул нурдан чароғон бўлса, бошқа саҳифаси мудом зулмат қуюнидан тутаб ётади? Буни қарангки, умари саъдлар бугунги кунда тамоман янги қиёфаларда жонланиб, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Аз-Замахшарий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд каби авлиё зотларнинг ворислари бўлган, улар туғилиб, яшаб ўтган муборак Ватанни қайтадан обод этаётган иймонли ва инсофли, меҳнаткаш ва мурувватли халқнинг йўлига тўсиқ бўлмоққа, уни йўлбошчисидан жудо этмоққа интилмоқда. Аммо ота-боболаримиздан қолган гап борки, бировга чоҳ қазиган ўзи йиқилади.

Халқнинг иродасига қарши бориш, манманликка берилишнинг оқибати ҳеч қачон яхшилик билан тугамаган. Халқ шу боис **«Зўр бўлсанг, кучингни ишда кўрсат»**, дея ўгит беради. Алишер Навоий эса бу ғояни жуда таъсирли ифода этган:

Навосиз улуснинг
навобахши бўл,
Навоий ёмон бўлса,
сен яхши бўл!

Дарҳақиқат, бу дунёда камчилик изласангиз, камчилик сероб, муаммо изласангиз, муаммо дегани ҳам беҳисоб. Лекин яхшиликка йўйсангиз, ҳамма нарса яхши. Бошқа нарсаларни-ку қўя туринг, ҳатто она юртига яхши кўз, эзгу назар билан қарашни билмайдиган, аксинча хорижда юриб қандайдир йўллар билан топган пулига қурол-яроғ сотиб олаётган (**ўз юртини қонга ботириш учун!**) кимсаларнинг қилмиши яхшиликнинг қайси мезонига тўғри келади?

Ўзимиздан чиққан балонинг ҳасрати оғир. Бунинг ўкинчини ҳеч нарса билан қиёслаб ҳам бўлмайди. Суд ҳукми ўқилиб, жазо тайин этилган бўлса-да, кўнгилларнинг туб-тубидаги ғалаёнлар ҳали-бери тугамайди. Чунки суд фақат жиноятга баҳо беради. Жиноят ортидаги ҳолат — умумнинг бепарволиги ва лоқайдлигига биз ўзимиз, жамоатчилик вакиллари баҳо беришимиз ва тегишли хулоса чиқариб олишимиз керак.

Муртазо
ҚАРШИБОЙ

4

Партия хабари

Шаҳар кенгашида мулоқот

ЎзХДП Самарқанд шаҳар кенгашида вилоят оммавий ахборот воситалари ходимлари билан Президентимиз И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига берган жавоблари ва бошланғич партия ташкилотларида уни чуқур ўрганишга бағишланган матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Журналистлар билан бўлган мулоқот савол-жавоб ва баҳс-мунозараларга бой бўлди. ХДП шаҳар кенгашида миллий ғоя, миллий мафкурани юксалтириш, ёшларда ватанга меҳр-садоқат туйғусини қалбларга жо қилиш, ўзлигини англаш ҳамда олдинда турган долзарб муаммолар ҳақида эътиборга молик фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди. Муҳим амалий ишларни бажариш чора-тадбирлари белгиланди.

ХДП шаҳар кенгашининг биринчи котиби Ш. Темиров матбуот конференцияси якунида фаол қатнашган оммавий ахборот воситалари ходимларига миннатдорчилик билдирди.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ўз тақдирларини ХДП билан боғлашяпти

Ўзбекистон ХДП Нукус шаҳар кенгашида ўз устида кўпроқ ишлаб, билим ва малакасини ошираётган, партиянинг Дастур ва Низомини яхши биладиган ёшлар ҳисобига партия аъзолари сафи кенгаймоқда. Жумладан, партия аъзолари сони «Катекс» ҳиссадорлик жамиятида 74 кишига, 1-республика касалхонасида 47 кишига, А.Тўқай номли ўрта мактабда 31 кишига, Нукус ун заводида 32 кишига етди. Улар сафида хотин-қизлар салмоқли ўринни эгаллайди.

— Ҳудудий ва бошланғич партия ташкилотларининг ишларини янада яхшилаш мақсадида семинар-кенгашлар ўтказиб турибмиз, — деди Ўзбекистон ХДП Нукус шаҳар кенгаши биринчи котиби Саденбой Нурмонов. — Бу партия ҳужжатларини расмийлаштириш, ички хўжалик-молия ишларини яхшилаш, партия ташкилотлари ва партия аъзолари фаоллигини янада ошириш, партия топшириқларининг ижросини яхшилаш имконини бермоқда. Шу йилнинг ўтган ойларида эса 130 дан кўпроқ киши ўз тақдирини ХДП билан боғлади. Шаҳарда партия аъзоларининг сони 4 минг 100 кишидан ошиб кетди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ҳукуматимизнинг 1996 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Геодезия, картография ва давлат кадастри бош бошқармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорининг қабул қилиниши мамлакатимизда катта воқеа бўлган эди, десак мутлақо янглишмаймиз. Чунки бугунги кундаги ер ва ер муносабатлари билан боғлиқ муаммоларнинг тўпланиб қолганлигини бартараф этишда қўл келаётганлиги бу муҳим қарорнинг нечоғли аҳамиятли эканлигини дилдан ҳис этаяпмиз.

Сиз ушбу суратда кўриб турган мана бу «ТАХЁМЕТР» жиҳози Японияда ишлаб чиқарилган. Баҳоси 24 минг АҚШ долларига тенг. Ускунанинг афзаллиги эса Спутник (ер йўлдоши) орқали 30 секундда ҳар қандай ернинг кординати, баландпастлиги сингари бир неча ҳолатларини бир йўлакай аниқлайди. Яқинда Қуйи Чирчиқ туманида мамлакатимизда ҳали ягона саналмиш ер ва кўчмас мулкларни рўйхатга олиш офисининг очилиш маросимида бу ноёб жиҳознинг ишлаш принциплари соҳанинг барча ходимларига мутахассислар томонидан батафсил тушунтирилди.

Суратларда: 1. Қуйи Чирчиқ туманида мамлакатимизда илк бора компьютерлаштирилган ер ва кўчмас мулкларни рўйхатга олиш офисининг очилиш маросими.

2. Мутахассис Ким Юрий «ТАХЁМЕТР» жиҳозининг ишлаш тартибини соҳа ходимларига тушунтирмоқда.

Шавкат АКРОМОВ
олган суратлар

Тил — дарё, дарёмизни асрайлик

Русча ёзилиши	ўзбекча қўлланиши (ва манба тиллардаги маъноси)
журнал	**журнал** (французча journal) — кундалик дафтар. Бу атаманинг ойнома, мажалла шаклидаги қўлланилиши журнал сўзи англатган маънони бера олмайди. Бундан ташқари, журнал сўзидан ясалган журналхон, журналист сўзларини эса ойномахон мажаллист деб бўлмайди
заказ	**буюртма**
инспектор	**назоратчи,** инспектор (лотинча inspector кузатувчи, назоратчи). Бу термин 2 шаклда қўлланмоқда.
инспекция	**назорат,** инспекция (лотинча inspectio кузатиш, назорат). Бу термин ҳам 2 шаклда қўлланмоқда. Масалан, Давлат автомобиль назорати, Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги инспекция
институт	**институт** (лотинча institutum тузиш, ўрнатиш, муассаса). Ҳозирги вақтда бу сўз олийгоҳ тарзида нотўғри қўлланмоқда. Олийгоҳ — олий жой деган маънони билдиради. Шунингдек, институтни илмгоҳ, билимгоҳ тарзида қўллаш ҳам тўғри эмас.
инфраструктура	**инфраструктура** (лотинча infra тагида, остида, structura тузилиш, ўзаро мойиллик). Бу атаманинг ўзбек тилида инфратузилма шаклида қўлланиши ҳам бор.
кадр	**кадр** (французча cadre — шахсий таркиб). Бу атамани ходим сўзи билан алмаштириш нотўғри. Кадрлар бўлими, кадрлар бўйича ўринбосари тарзида қўлланиши тўғри бўлади.
канцелярия	**девонхона**
капитал	**сармоя,** капитал (лотинча capitalis — бош). Бу термин 2 маънода қўлланилади: 1) сармоя; 2) капитал. Масалан, капитал қурилиш.
категория	**тоифа**
кафедра	**кафедра** (юнонча kathedra стул, ўриндиқ). Бу терминни «минбаргоҳ», «таҳсилгоҳ» сўзлари билан қўллаш нотўғри.
квалификация	**ихтисос,** малака, квалификация (лотинча gualis қандай, қандай сифатда — facere қилмоқ). Бу термин 2 маънода қўлланилади: 1) ихтисос, малака; 2) квалификация (жиноят ва фуқаролик ишларининг тергов ва суд органларида квалификация қилиниши).
классификация	**тасниф**
кодекс	**кодекс** (лотинча codex китоб.) Қонунлар тўпламини англатадиган бу терминни, баъзи олимлар тавсия этганидек, «тузук» сўзи билан алмаштириб бўлмайди.
коллегия	**ҳайъат,** коллегия (лотинча collegium) Масалан, суд ҳайъати бор, суд коллегияси бор.
компенсация	компенсация (лотинча compencafio ўрнини тўлдириш, қопламоқ). «Товон», «тўлов» сўзлари бу терминнинг тўла маъносини бера олмайди.
конкуренция	**рақобат**
конкурс	**танлов**
коррупция	**коррупция** (лотинча corrupfio сотиб олиш). Бу термин баъзан «порахўрлик» деб берилади. У порахўрликдан ташқари, мансабни суиистеъмол қилишни ҳам англатади.

(давоми бор)

Бўйнидаги

Ундан қандай халос бўламан, дейди қаршилик фуқаро Наъмат МУРОДОВ

Шоимурод ШЕРМАТОВ

Таҳририятимизга келган мактубларнинг бирида, «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг аввал 167-,205-моддалари билан айбланиб судланганман. Қарийб тўрт йилдан буён ушбу ноҳақ суд ҳукмидан норози бўлиб мурожаат қилмаган ҳуқуқ ва назорат идоралари қолмади ҳисоб...

Фарзандларим тақдирини ўйлаб, бу бўйнимдаги тавқи лаънатдан қачон халос бўларканман, деганча тонгларни оттираман, кунларни тунга улаётирман. Ахир ўша кезда Қарши шаҳридаги МКТ (мудофаага кўмаклашувчи ташкилот) «Ватанпарвар» автомобилчилар мактаби бошлиғи бўлганим учунми? Ёки бировга шу кезгача бирон бир ёмонлик тугул, ёмон гапни раво кўрмаганлигимданми? Мен бир умр пок яшаганман ва шундай бўлади»... сингари сатрлар битилган эди. Мактубни ўқир эканмиз, унинг муаллифи Наъмат Муродовга нисбатан суд ҳукмини, адвокатлар фикрларини, Олий суднинг судяларидан келган жавобларини кўздан кечиришга тўғри келди. Лекин бизда ўша жиноий иш билан боғлиқ барча ҳолатларни ипидан игнасигача кўрсатиб ўтишга вақт, муҳими, газета саҳифасидан жой тополмаймиз.

Жиноят 1995 йил 21 апрелида (кеч соат 20.00 дан кейин) содир этилган. Маълумки, бу пайтда автомобилчилар мактаби автосаройида қоровулдан бошқа ҳеч ким бўлмаслиги лозим. Иш вақти автосаройда аллақачон тугаган. Битта игна йўқолса ҳам жавобгар шахс қоровул, қолаверса, автосарой раҳбари Э. Султонов ҳисобланиши керак эди. Лекин автосаройда бир игна тугул автомашина двигатели бегона автомобилга ўрнатилди.

Албатта бундай шароитда қоровул содир этилган жиноятга, жиноятчиларга шерик ҳисобланган бўлади. Афсуски...

Ўша воқеа билан судланган Наъмат Муродовнинг жиноят иши юзасидан адвокат Т. Тоғаевнинг ҳимоя нутқига эътибор қиламиз: «дастлабки тергов органи Муродов Наъматни ЎзРЖКнинг 167- моддасининг 4 қисмини «б» банди билан айбли топган. Яъни «... ўзганинг мулкини ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш» - дейилади. Узоққа бормайлик, Муродов моторни ўзлаштирганмиди? Ўзлаштириш деганинг ўзи нима? Бу - ўзганинг мулкини ўзиники қилиб олишку, бир сўз билан айтганда. Нима, Муродов бу моторни ўзининг машинасига қўйиб олдими? Муродов моторни ўзлаштирмаган ва ўзлаштириш нияти ҳам бўлмаган...» Адвокат яна қуйиниб қайғуради: «Муродов ташкилот бошлиғи бўлган. У ташкилот мулкини умумий бошқарган. Агар ташкилот мулкига фақат ташкилот раҳбари жавоб берадиган бўлса, ундай ҳолда, ташкилот томонидан ҳар хил турдаги мулклар бўйича бир қатор ходимлар билан моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартномалар тузишнинг нима кераги бор эди?...»

Дастлабки терговнинг хулосасига кўра, Наъмат Муродов мактаб маъмуриятига 37278 сўм моддий зарар етказган. Тўғриси, кўрсатилаётган ушбу двигатель нархи ҳам аниқ ҳисоблаб чиқилмаган эди. Тўпланган ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича тергов органи 1995 йил ишлаб чиқарилган двигатель нархини тасдиқловчи маълумотномани мактаб маъмуриятидан мажбуран олишганлиги сезилиб турибди. Чунки 1995 йил 13 июндаги 3542- тергов бўлимининг хатига асосан мутахассисларнинг 21 июндаги 40-маълумотномаси бунинг исботидир. Албатта бу моддий зарар қандай йўл билан етказилган зарарни янада ойдинроқ билиб олиш учун тергов органининг айбловига мурожаат қиламиз. Айбномада шундай дейилади: «Муродов ўзининг мансабидан фойдаланиб, қоровул Жонқулов билан тил бириктириб, ўзларига ишониб топширилган ўзганинг мулкини, яъни моторни Дилов Ғайбуллага 25000 сўмга сотиш мақсадида бериб юбориб, мактабга 37278 сўм моддий зарар етказади»... Энди мана шу жумланинг маъносини чақиб чиқишга ҳаракат қилайлик. Ушбу жиноят ишидаги йўқолган двигатель аввало кимнинг жавобгарлигида эди? Албатта, автосарой бошлиғи Э. Султоновнинг жавобгарлигида бўлган.

Математика фанида шундай қоида бор: формула нотўғри бўлса, натижа ҳечам тўғри чиқмайди. Шундай экан, дастлабки тергов органининг айбномасидаги Муродов ташкилотга 37278 сўм моддий зарар етказган, дейилган хулосаси худди шу нотўғри формулани келтириб чиқаргандек. Аслида «моддий зарар» дейилишининг ўзи аниқмиди? Ахир автосаройдан олиб кетилган двигатель ўрни билан йўқолиб кетганидаку «моддий зарар» дейилса ҳеч кимда шубҳа туғилмасди. Лекин двигателни эртаси куни яна жойига келтириб қўйишган. Дастлабки тергов органи бу масала тўғрисида ҳам етарлича хулосага келмаганлиги масалага бир томонлама ёндашувни келтириб чиқармаганмиди?

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 11-моддаси қонунийликдир. Бу моддани талаби тергов органи «...қонунларга аниқ риоя этишлари ва уларнинг талабларини бажарилишлари шарт» дейилади.

- Тергов органи бу қонунийлик принципини унутиб қўйган шекилли, - дейди адвокат Б. Назаров ушбу иш юзасидан Ўбекистон Республикаси Олий судига ёзган кассация шикоятида. - Чунки гувоҳларнинг кўрсатмалари бир-бирига қарама-қарши бўлиб турибди. Гувоҳ Хўжаниёзов - директор Муродов билан Дилов ғаплашди ва 25000 сўмга келишишди (и.в. 87,112). Гувоҳ Г. Дилов эса Жонқулов бизларникига келиб мен Муродов билан гаплашдим, у 25000 сўм ва ўзларининг ишдан чиққан двигателини олиб келиб қўйсинлар, деб айтди (и-в 100, 104, 107, 109), деб кўрсатма берган. Суд эса бу қарама-қаршиликлар асосида ҳам уни айбдор деб топди. Муродовнинг далиллари текширилмаган ва уларга холисона баҳо берилмаган. Шу сабабларга кўра Дилов, Хўжаниёзов, Ражабоваларни ҳам давлат мулкини талон-торож қилганликлари учун жиноий жавобгарликка тортиш лозим эди. Лекин улар «оппоқлигича қолаверган...

Ҳақиқатан ҳам ушбу жиноий иш билан танишаркансиз, шубҳасиз сергак тортасиз. Масалан, юқорида тилга олинган шахслар аввало КамАЗ-4310 автомашинасининг кабинасини автокран билан Ж. Ражабов бошқарувидаги бўлган бошқа КамАЗ автомашинаси кабинасига алмаштиришади. Шундан сўнг жиноий ишга сабабкор двигателни ечиб бошқа двигателга... Ҳолбуки, шофёр Ж. Ражабов автосарой бошлиғи Э. Султоновдан 21 апрелда эмас, балки, 24 апрель душанбада кабина алмаштиришга рухсат олган эди. Шу боисдан зимдан Ж. Ражабов автокран келишини билган ва шунинг учун ишдан кейин қолиб жиноятга қўл урилган, эмасмиди?

Ушбу жиноий иш бўйича Ўзбекистон Олий

«Ўзбекистон — буюк келажак сари» танловига

Асрлар бағридаги ҳақиқат

Президентимиз Ислом Каримовнинг тарихчилар билан бўлган учрашувига бир йил тўлди

1998 йил ёзида мамлакатимизнинг маънавий-илмий ҳаётида, афкори илм майдонида муҳим воқеа рўй берди. Ўша йил июнь ойида юртбошимиз бир гуруҳ етакчи тарихчилар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари билан учрашдилар. Бу учрашувда юртбошимиз тарих фанининг муаммолари ҳақида мутахассислар билан фикр алмашдилар, куюниб гапирдилар. Мустақил Ўзбекистон тарихчи олимлари олдида долзарб бўлиб турган ва тезда ҳал қилиниши керак бўлган қатор масалаларни очиқ-ойдин кўрсатдилар. Кейинчалик Президентимизнинг бу фикр-мулоҳазалари «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» рукни остида «Миллий тикланиш» газетасида, «Мулоқот» журналида ҳамда алоҳида китобча шаклида нашр этилди.

Ҳа, юртбошимизнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» китобчасида ўша чуқур илмий аҳамиятга молик тарихий мавзудаги қатор масалалар қўйилганки, уларни тўғри талқин қилмай ва ҳал қилиниши ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлмай, миллатимизнинг, халқимизнинг келажаги ҳақида гапириб бўлмайди.

Президентимиз ўзбек давлатчилиги тўғрисида гапираётиб, «Инсон учун тарихдан жудо бўлиш — ҳаётидан жудо бўлиш демакдир», деб қатъий айтганлар ва тарихчилар олдига ўзбек давлатчилиги қачон пайдо бўлганлиги ҳақида савол қўйганлар. Ҳақиқатан ҳам биз тарихимиз ва ўзбек давлатчилиги тарихи ҳақида тасаввурга эга эмасмиз. Афсуски, шу кунгача халқимизга бу ҳақда арзигулик бирор китоб ёзиб беролмадик.

Менинг назаримда ўзбекларнинг тарихий ватани — улар тарқалган географик ҳудуддир. Тақрибий ҳисоб бўйича ҳозирги кунда Ўзбекистон ва унга қўшни мамлакатларда яшаётган ўзбекларнинг умумий сони 28 миллионни ташкил қилади. Бунга Саудия Арабистони, Туркия ва бошқа узоқ хориждаги муҳожир ўзбеклар кирмайди. Ўзбекларнинг 23 миллиондан ортиғи она юрти Ўзбекистонда, 2 миллионга яқини — Афғонистонда, булар — Ҳуросон ўзбеклари, 1,5 миллиони Тожикистонда, 0,6 миллиони Қирғизистонда, 0,5 миллиони Қозоғистонда ва 0,4 миллиони Туркманистонда истиқомат қилади. Ўзбеклар миллат бўлиб ана шу ерларда шаклланганлар. Лекин ўтмишда ўзбеклар яшаган географик ҳудуд жуда кенг бўлган. Масалан, Ҳирот — Алишер Навоийнинг ватани, XVI аср бошида ҳам унда чиғатой турклари-ўзбеклар кўпчиликни ташкил қиларди. Чиғатой турклари у пайт Марв ва Астрободда ҳам яшарди. Бироқ Эрон Темурийлардан мустақилликка эришгач, Сафавий шоҳлар ўзбекларнинг аксариятини қирдилар, тирик қолганларини эса шиъа мазҳабига ўтказдилар. Қобул — Бобур Мирзонинг хос мулки бўлиб, унинг ҳам аҳолиси асосан ўзбеклардан эди. Кейинчалик Ҳиндистондан Сулаймон тоғларидан келган афғон-пуштунлар бу ерларни босиб олиб, улар орасидан чиққан Аҳмадшоҳ Дурроний 1756 йили Афғонистонни мустақил давлат деб эълон қилгунига қадар бу географик ҳудуд аҳолисининг талай қисмини ўзбеклар ташкил қилган.

Сибирь хони Кўчум ҳам ўзбеклардан эди ва Бухоро Шайбонийлари билан қариндош эди. XVI аср охирида бу хонлик ерлари руслар томонидан босиб олиниб, аҳолиси «татар» деб аталди.

Сирдарёнинг қуйи оқимида Жанд-Казалинск, Оқ Мачит (Қизил Ўрда) ва Еттисувда ҳам бир вақтлар ўзбеклар кўпчиликни ташкил қилган. Лекин улар генерал Черняев аскарлари томонидан 1862-65 йилларда қирилган ва сиқиб чиқарилган.

Тарихий хотира учун келтирилган бу маълумотларни сиз рус «домла»ларимиз томонидан ёзиб берилган дарсликлар ва тадқиқотларда кўрмайсиз. Улар фақат манбаларда келтирилади.

Бизни камситмоқчи бўлган баъзи мухолифларимиз Ўзбекистон атамаси гўё 1924 йили шу ном совет республикаси ташкил қилинганида пайдо бўлган, илгари бундай ном бўлмаган ва худди шунингдек, Туркистон атамасини ҳам руслар XIX аср охирида киритганлар, у ҳам илгари йўқ эди, дейдилар. Ҳолбуки, бу икки ном ҳам қадимий бўлиб, фақат асрлар оша бу атамалар билан аталувчи ерларнинг ҳудуди ўзгариб турган. Иккала ном ҳам аввал форсий манбаларда пайдо бўлган.

VI аср иккинчи ярмида Хитой деворларидан то Қримгача оралиқда Турк хоқонлиги юзага келганидан сўнг сосонийлар Эрондан шимолдаги ерларни Туркистон деб атаганлар. VII асрдаги арман географи Анания Ширакаци «Ашхарацуйи» номли асарида Волга дарёси билан Олтой тоғлари оралиғини Туркистон деб атайди. Муҳаммад ал-Хоразмий эса «Суратил арз» номли географик асарида худди ўша ерларнинг номини форсчадан арабчага ағдариб, «Арзи Турк», яъни «Турклар ери» деб атайди. X-XI асрлардан бошлаб Туркистон деб фақат Орол денгизидан Жанубий ва Жануби-шарқдаги ерларга нисбатан айтилади. XV аср охирларидан Ўзбекистон атамаси пайдо бўлади. XVI асрда яшаган тарихчи Мирзо Муҳаммад Ҳайдар — Бобурнинг аммаваччаси — XV асрнинг охирги чораги ва XVI аср ўртаси учун Ўзбекистон деб Балхаш кўлидан Волга дарёсигача ерларни назарда тутади. XVII асрда яшаган турк географи Авлиё Чалабий Ўзбекистон деб Каспий денгизидан шарқдаги ерларни айтиб ўтади. Демак, ўзбеклар яшайдиган ерлар анча илгари замонлардан бери Ўзбекистон деб юритилгани шубҳасиз ҳақиқатдир. Шу билан бирга ўзбек этноси Марказий Осиёнинг талай ерларида қадимдан ўтроқ ҳолда ва уларнинг бир қисми бу диёрнинг чўл минтақаларида мавсумий ярим ўтроқ ҳолда яшаганликлари ҳам ҳақиқатдир. Қўшимча қилиб яна шуни айтиш керакки, кўп асрлар давомида Ўзбекистон ва Туркистон атамалари синоним сифатида ишлатилиб келинди. Бу диёрни истило қилган руслар аввалига Ўзбекистон атамасини инкор этиб, фақат Туркистон атамаси билан амал қилдилар. Сўнг, 20-йилларда большевиклар сохта ва ғайриилмий, тарихга зид равишда ўзларининг «миллий чегараланиш» сиёсатларини амалга оширганларида собиқ Ўзбекистоннинг фақат бир қисмидагина шу номли республикани ташкил қилдилар. Лекин улар, ўзлари буни сездиларми ё сезмадиларми, бу республика таркибига ушбу диёрда қадим ва ўрта асрларда бўлган деярли барча давлат бирикмаларининг марказий қисми ёки пойтахтларини киритдилар. Демак, бу ҳол большевиклар билган ёки билмаган ҳолда ўзбек давлатчилигининг тарихи қадимий эканлигини тан олганликларини кўрсатади.

Амир Темур ва Темурийлар ўзларини «чиғатой турклари» дер эдилар. Ҳозирги кунда у муҳтарам зот ва унинг сулоласига биз ўзбеклардан бошқа бирор туркий миллат даъвогар эмас. Демак, бу ҳол афкори-омма Амир Темур ва Темурийлар ҳозирги ўзбекларнинг тўғридан-тўғри аждодлари эканларини тан олишини кўрсатади. Аниқроқ айтсак, ҳозирги Ўзбекистон ва ўзбеклар яшайдиган ерлар таркибига кирган ўрта асрлар ва қадимги давр даврдаги барча давлатлар ўзбек давлатчилигининг босқичлари деб қаралмоғи керак.

1998 йил сентябрь ойида Қорақалпоғистоннинг Беруний шаҳрида ал-Фарғоний симпозиумида иштирок этдим. Бу шаҳарнинг асли номи Кат бўлиб, у 995 йилгача Хоразмнинг пойтахти бўлган. Симпозиум қатнашчилари билан шаҳардан 20 чақиримча шарқдаги қадимги Оқчахон харобасини зиёрат қилдик. Бу хароба бутунлай қум остида қолган бўлиб, милоддан аввалги V асрга тааллуқли шаҳар қолдиқлари экан. Шаҳар ички ва ташқи қисмлардан иборат бўлиб, ички шаҳар квадрат шаклида 42 гектар майдонда жойлашган ва қудратли девор билан ўралган. Унинг атрофида яна бир неча гектар майдонда ташқи шаҳар жойлашган ва у ҳам забардаст деворлар билан ўралган. Ички шаҳар деворининг фақат бир бурчагида Австралия ва Ўзбекистон археологлари томонидан қазиш ишлари олиб борилаяпти. Уларнинг айтишича, девор уч қаватли иморат шаклида ишланган қурилмадан иборат бўлиб, унинг шу бурчакдаги фақат устки учинчи қаватигина қумдан тозаланган. Девор ва қурилмаларнинг ўлчамлари кишини ҳайратга солади. Учинчи қаватдаги деворнинг ўзи 5 метр баландликка эга. Қалинлиги қарийб 2 метр келади. У хом ғиштдан ишланган, ғиштлар 0,6х0,6х01 м ўлчамдаги квадрат шаклида ва 2500 йил ўтганига қарамай, ғиштлар бутунлигича сақланган. Худди шу ғиштлардан учбурчак шаклида мудофаачиларнинг ўқ отиши учун туйнуклар ясалган. Улар ҳам тўлиқ сақланиб қолган. Агар деворнинг бир қавати шу қадар маҳобатли бўлса унинг пастдаги икки қавати қандай экан?

Шубҳасиз, бундай қудратли деворларга эга шаҳарни фақат қудратли давлат барпо этиши мумкин эди. Инсоният тарихидан маълумки, илк давлатларда иншоотлар ҳам содда бўлиб, маҳобат ва ҳашаматдан ҳоли қурилган. Оқчахон шаҳрида эса буюклик ҳам, маҳобат ва ҳашамат ҳам мавжуд. Агар археологларнинг тахминича, Оқчахон Хоразмнинг энг биринчи пойтахти бўлса, у ҳолда, Миср тарихи билан қиёс қилинса, Хоразм давлатининг тарихи бу пойтахт тарихидан камида беш аср олдин бўлади. Агар археологларнинг тахмини тўғри бўлмай, Оқчахон оддий бир шаҳар бўлса, у ҳолда Хоразм давлатининг тарихи янада қадимлашади. Хуллас, Хоразмда ўзбек давлатчилигининг тарихи уч минг йилга яқинлиги аёндир.

Албатта, ўзбек давлатчилиги тарихини биргина Хоразм билан чегаралаб бўлмайди. Давлатчилик анъаналари Ўзбекистоннинг бошқа жойларида ҳам қадимги тарихга эга. Хусусан, бу ерда Фарғона водийсини назарда тутаман. Яқин вақтларгача бу водийдаги энг қадимги давлат бирикмаси милоддан аввалги II асрга тўғри келади деб ҳисобланарди. Лекин, охирги йиллар Қува таркибидаги Шаҳристон харобасида олиб борилган қазишмаларнинг кўрсатишича, бу ердаги илк давлатга хос бўлган шаҳар тарзидаги маскан милоддан аввалги XX асрда шаклланганлигига далиллар топилган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Аму ва Сир иккидарё оралиғи ҳамда уларга туташ ерлар жуда қадим замонлардан бери ўзбек давлатчилигининг таянч ерлари бўлган. Фақат турли тарихий даврларда бу ҳудуднинг у ёки бу қисмида нисбатан кучли давлат юзага келиб, қолган қисмларини бирлаштиришга уринган. Лекин баъзан майда давлатларга парчаланиш ва тарқоқлик ҳоллари ҳам бўлган. Бундай вазиятдан ташқи душманлар фойдаланишга уринганлар. VII асрнинг иккинчи ярмида араб истилоси арафасида шундай тарқоқлик юз берган эди. Бундан арабларнинг фойдаланмоқчи бўлганлиги ва ислом дини ўзбекларнинг ўзаро ракобатини кучайтир

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1999 yil 13 iyul, seshanba • № 81 (24.476).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Беруний мукофотига помзодлар

Миллатга қувват бўлғувчи маърифат

Мен қайсики маҳал Неъматулла Иброҳимов ёки у иштирок этган жамоа тадқиқот ишларига назар солар эканман, олдинданоқ бу асарларда маърифатнинг ёруғ бир гулдастасига дуч келишимни сезаман. Бу туйғу, балки аслида фалон ижодкорларнинг ўз мухлислари бор, деган оддий бир белгиловга олиб борар, лекин ҳамиша нур нурга талпинади, қоронғулик эса ўз ҳудудларини ҳеч кимга бўшатиб беришни истамайди.

Мен араб тили мутахассиси бўлмасам-да, бир нарсага аниқ иймоним комил:

Бизнинг кўплаб арабнависларнинг ва айниқса истиқлол йилларида Неъматулла Иброҳимов ва унинг сафдошларининг меҳнатлари ниҳоятда қимматли бўлган бир мантиқга бориб уйғунлашади. Бу йўналишни биз энди тўлароқ англай бошладик. Араб тили, адабиёти ва тарихи билан шуғулланган асосий ўзбек мутахассислари меҳнатлари замирида, тарихий тараққиётнинг ғулувкор суронлари оша ўз боболаримизнинг маърифий бетакрор сиймолари, ҳатто бизга тушунуксиз бўлган жасоратлари сари йўл очилганлигини сезамиз. Энди биламизки ҳар қандай босқин тилсиз, забонсиз, даҳшатли ёв бўлиб кўринсада, барибир у маҳаллий қавмларга қандайдир маърифий саволларни ҳам келтирган бўлса, бизнинг табиатан зуваласи нурдан қорилган аждодларимизнинг болалари у тугунларни очиб, тўртта янги ҳарфга кўзлари тушса, худди узоқ сафардан кимдир мунчоқдек бир юлдуз олиб келганини кўз-кўзлаб тўрт томонга чопа кетиши аниқ. Миллатимизнинг бу хислатини узоқ ўрганган Чингизхон Шайх Куброга: «Биз хусусан сиз билан урушгани келганимиз йўқ, яқинларинги ни олиб Урганчни тарк этинг», дегани ҳақиқатдир.

Неъматулло Иброҳимов ва касбдошлари саъй-ҳаракатлари билан нашр этилаётган «Шарқ машъали» журналининг бирон бир тўпламини варақлаб кўрайлик, бунда биз Замахшарийнинг изчил ҳаракатдаги маҳоратидан тортиб, араб фольклорида — беадад қумликлар, бархан ва самумлар қўшиғига ошуфта араб қавмларининг ҳаётга бир томчи сув каби илинжли оҳангларидан арузнинг мислсиз қудратли қоидалари асоси олганлигини кўрамиз.

Алишер Навоий сўзнинг қадри ҳақида гапириб буюк «Хамса»да унинг «Насрқаро ерга сочилмоғи», деса, сўзнинг ҳатто сажга — назмнинг илк мўътабар поясига ҳам суюк баҳо бериб, назмнинг юксак мақоми боис Тангрининг каломи ушбу мақомда нозил бўлганлигини таъкидлайди.

Мен Н. Иброҳимов ва унинг ижодий гуруҳи тадқиқотларининг Беруний номидаги мўътабар мукофотга тақдим этилганлигини кўриб, бу эътирофдан катта қониқиш ҳосил қилдим. Ўзбекнинг шоҳлари ҳам, олимлари ҳам, ҳатто энди билдикки, қашқул осиб юрган тасаввуф парвишлари ҳам миллатни асрлар ғафлат ва жаҳолатидан олиб чиқишига самодан ташланган маърифат сарбонлари, йўлчи юлдузлари эканлар. Тарихимиздаги қайси буюк сиймони олманг, ё ўнг, ё чап такяси остидан бир жилднинг муқоваси кўриниб туради.

Қимматбаҳо тошларга ўч Ғазнавийни ҳиндларнинг муқаддас тож дурдоналарини юлиб олишдан қайтара билган Беруний, нафақат хинд қавмларини балки Ғазнавий билан борган юзлабминглаб сафдошларини ҳам ҳадсиз-саноқсиз кулфатлардан сақлай билди. Том Коллинзнинг «Ойдан тушган тош» романини варақласангиз, бобурийзодаларни ул тошларни талон қилишдан қайтарадиган маслаҳатчи бўлмаган. Оқибат эса ҳаммага маълум. Модомики, миллат учун бошқаларга белгисиз, безаксиз кўринган тош ҳам маънавий жон, ўлмас руҳ робитасидир балки биз билмай, қадрига етмай қўйган тошларимиз бошқаларни абадий оч ғулғулага солиб келаётгани шу бо исдандир.

Биз хусусан, Н. Иброҳимов таҳлил этган Ибн Баттутанинг Ўрта Осиё саёҳатларини кўздан кечирар эканмиз, ҳар қандай истило ўз мафкурасини барқарор этишга интилганлигини сезамиз. Аммо не-не улуғ шаҳарларимизни таҳқиромуз иборалар билан «безаган» Ас-Саолибий қайдаю, Чингиз босқини харобатга айлантирган сарҳадларимизни кезган Ибн Баттутанинг иштиёқли назари қаерда?!

Ибн Баттута ўзи хоҳласин-хоҳламасин ваҳшиёна истило оқибатларини тез фурсатларда енгиб ўта билган ижодкор, бунёдкор халқ даҳосига тан беради. Худди шу ички эътироф уни турмушнинг баъзи икир-чикирларига гўё хорижлик сайёҳ эътибор қилиши шарт бўлмаса-да, уларнинг шарҳига юксак баҳо беради. Адолатли шахсий гувоҳлик эса ҳамма замонлар учун қаҳрамонликдир. Бунинг акси бўлган даврларда ҳатто илм-маърифат ҳам таназзул сари кета бориши кўп бор қайтарилган тажрибадир.

Ибн Баттута Урганчда албатта буюк авлиё Нажмиддин Кубро мозорини кўздан қочирмайди. Замахшарий ўқийдиларки, бунақасини бошқа ҳеч ерда кўрмаганман. Хоразм ёнидан Жайхун дарёси оқиб ўтади, бу дарё жаннатдан бошланадиган тўрт наҳрнинг биридир...» деган хулосаларни ўқиймиз.

Ана энди Ибн Баттутанинг улуғ дарёмизга берган ушбу баҳосига замонавий калондимоғ эколог олим ёки биз каби оддий юртсевар бир шоир кўзи билан боқиб кўринг!

Биз юқорида улуғ арабшунос замонавий олимларимизнинг тадқиқотларини миллатга қувват берувчи меҳнатлар деб атадик. Модомики, Н. Иброҳимовнинг номи араб илм-маърифат дунёсида жуда эъзозлидир. Олимимиз ўзига араблар берган мукофотни республикамизнинг «Умид» жамғармасига ҳадя этдилар! Аслида эҳсон ҳам маърифатдир, ёнидагиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган жасоратли ташаббусдир. Бундоқ эҳсон худди тангри ва унинг каломини, теваракдагиларга беҳуда кўз-кўзламай, юракда эъзозлаш, ёнидагилар кўнгли, табиати ва йўлини ёрита билиш саодатидир.

Омон МАТЖОН,
Ўзбекистон халқ шоири

Сурат ва сийрат

Кеча Тошкентдаги марказий кўргазмалар залида ўзига хос тадбир уюштирилди. Бу ерда «Спорт — сен санъатсан» деб номланган кўргазманинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Уни республика Бадиий академияси, Миллий олимпиада қўмитаси, спорт қўмитаси ҳамда Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ташкил этди. Мақсад — спорт тинчлик элчиси, халқлар ўртасида ҳамкорлик ҳамда дўстлик ришталарини боғлаш омили, муҳими спортда нафосату санъат борлигини намойиш этишдир. Кўргазмада юртимиз довруғини жаҳонга ёяётган моҳир спортчиларимизнинг ҳаёти ўзига хос сурат ва сийрат бўлиб турибди.

Дурдона НУРМУҲАМЕДОВА

Аёллар йилига бағишлаб

Аёллар ўртасида футбол жаҳон миқёсида тобора оммавийлашиб бормоқда. Куни кеча спортнинг бу севимли тури бўйича аёллар жаҳон чемпионати якунланди. Намангандаги «Навбаҳор» стадионида эса Ўрта Осиё чемпионати бошланди. Бу сафарги мусобақа Аёллар йилига бағишланди. Ғолиблик учун курашда «Андижанка», «Виктория» (Чимкент), КТЖ (Алмати), ФК «Спартак» (Қарағанда) ҳамда Наманганнинг «Гулбаҳор» жамоалари иштирок этмоқда. Дастлабки учрашув «Гулбаҳор» ва ФК«Спартак» футболчи қизлари ўртасида бўлиб ўтди.

Рустам РИЗАЕВ

Дахлсиз дарвозалар

Бугун Самарқандда ўтказилаётган халқаро футбол турнири якунланади. Сўнгги учрашув «Самарқанд» ва мамлакат миллий терма жамоаси ўртасида бўлади. Бўлиб ўтган икки учрашувда эса мезбонлар қўли баланд келди. Хусусан, «Самарқанд» — Малайзия жамоалари ўртасида ўтказилган учрашувда майдон эгалари 11 метрли нуқтадан дарвозага йўллаган аниқ тўп билан ўйин тақдири ҳал бўлди. Миллий терма жамоамиз билан Малайзия футболчилари ўртасидаги учрашув мухлисларда яхши таассурот қолдирди. Маҳмуд Раҳимов бошчилик қилаётган бош жамоамиз Малайзия дарвозасига учта жавобсиз тўп киритиб, ўз дарвозалари дахлсизлигини таъминлади.

Ўктамбек УЛУҒБЕКОВ

SPORT

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Оқ халатнинг оҳанрабоси

Бир нарса мени кўпдан бери ўйлантириб келади.

Гап шундаки, бир қатор муассасаларнинг ишчи-хизматчилари, биринчи навбатда шифокорлар, савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг ходимлари азалий одатга кўра оқ халат кийган ҳолда иш юритадилар. Бу — дунё бўйича қўлланиб келинаётган удум, қонун-қоида.

Лекин ачинарлиси шундаки улар ана шу халатларида ўз шахсий ишлари билан кўча-кўйларга, бозор-ўчарларга, аҳоли гавжум жойларга бемалол чиқиб кетишаверади. Бундан ташқари, ишхоналари атрофларини тартибга келтиришда, чунончи, супиришсидириш, кўчат ўтқазиш, дарахтларни оқлаш ва бошқа шу каби юмушлар бўйича шанбалик-ҳашар ўтказилганида ҳам ҳалиги халат тушмагур ечилмайди.

Савдо ва умумий овқатланиш муассасаларининг ишчилари эса озиқ-овқат ва турли ноз-неъматлар тўла пештахталар ёнида ўз фаолиятларини давом эттиришади.

Хўш, бу санитария-гигиена қонун- қоидаларига зид ҳолат эмасми?

Тошкент шаҳар ҳокимлиги санитария-эпидемиология Бош бошқармасининг бошлиғи Саидмурод Саидғаниевич Саидалиевнинг бу ҳақдаги фикр-мулоҳазалари шундай:

— Оқ халат — бу аввало рамзий маънога эга бўлиб, эл соғлиғи посбонларининг кўнгли беғуборлиги, касбга содиқлиги, дили поклиги, мақсади эзгулиги, нияти холислиги тимсолидир.

Энг муҳими, оқ халат ички ва ташқи муҳит оралиғида ҳимоя воситаси вазифасини ўтайди, яъни, инфекция-касаллик тарқатувчи микроорганизмларнинг зарарли таъсиридан сақлайди. Бошқача қилиб айтганда, соғ одамларни касалхонадаги микроблардан ва аксинча даволанаётган беморларни ташқи муҳитда кўп учрайдиган юқумли хасталикларни келтириб чиқарувчи бактерия, вирус ва замбуруғлардан асрайди.

Энди савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ходимларига келсак, улар ҳам иш кийимларида ташқарига чиқиб кетиб, қайтиб келганларида халатларига илашган микроблар билан озиқ-овқат маҳсулотларини зарарлантиришади ва пировардида нохуш ҳолларнинг содир этилишига сабабчи бўлишлари мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, оқ халатда ва бошқа махсус иш кийимларида кўча-кўйда, бозор-ўчарларда юриш санитария-гигиена қонун-қоидаларига мутлақо зид ҳолатлардир...

Шу гаплардан сўнг масала ойдинлашди-қолди. Демак, оқ халат ва бошқа махсус кийимлар фақат белгиланган жойларда —шифохоналарда, савдо, умумий овқатланиш муассасаларида кийилиши шарт.

Аслида бу—оддий ҳақиқат бўлиб, уни шу соҳа мутахассисларига изоҳлашга ўрин йўқ, бироқ, эслатиш даркорга ўхшайди.

Энди шундай ҳақли савол туғилади.

Нега энди азалий удум, бутун дунё амалиётида қўлланилиб келинаётган темир қонун- қоидага ҳамма жойда ҳам амал қилинмаётир? Бу — бепарволик, эътиборсизлик, лоқайдлик, касбга бўлган ҳурматсизлик ва маданиятсизлик аломати эмасми?

Ортиқали ТИЛОВБЕРДИЕВ,
журналист

Мамлакатимиз ҳаво йўналишларида – ўз самолётимиз

Инсон ҳар қандай қулайликка дарҳол кўникади. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси йўналишларида парвоз этган кўплаб йўловчилар бунга кўп бор амин бўлишган. Сўнгги йилларда ўзбек учувчилари энг замонавий самолётлардаги қулайлик ва хизмат кўрсатиш билан барчани қувонтиришмоқда. Олис масофаларга энг замонавий «А-310», «Боинг—767» аэробуслари парвоз этиб йўловчиларнинг жонига оро кирмоқда. Шунингдек, инглиз—француз ишлаб чиқаришига мансуб «RJ—85» самолётларидан ҳам маҳаллий йўналишларда муваффақиятли фойдаланилмоқда. Лекин авиакомпаниямиз фақатгина ғарб авиатехникасига боғланиб қолаётгани йўқ. Чунончи, мустақиллигимизнинг 8 йиллиги арафасида Ўзбекистон авиасозлари томонидан ишлаб чиқилган замонавий ва тежамкор самолётлардан бири — «Ил-114» мамлакатимиз авиайўналишларида мунтазам қатновни бажаришга киришди. Дастлабки парвоз Тошкент—Наманган—Тошкент йўналишида бажарилди. Замонавий рақамли бошқарув тизими ва авиация мажмуасига эга бўлган «Ил-114» унда парвоз этган йўловчиларга жуда манзур бўлди. Шуниси эътиборга лойиқки, у ўз тежамкорлиги, ихчамлиги ва йўловчиларга барча қулайликлар яратилганлиги билан диққатга сазовордир. Самолёт салонининг жойлашишига қараб 52 нафардан 64 нафаргача йўловчини ташиши мумкин. Самолётни яратиш чоғида шунингдек, унинг учиш хавфсизлигига ҳам қаттиқ эътибор берилган. Хуллас экспертларнинг фикрича, ўзбек самолётсозларининг маҳсулотига гап йўқ. Яқинда Францияда ўтган «Бурже-99» 43-халқаро авиация кўригида ҳам эътироф этилди.

Алишер РЎЗИЕВ

Ёмғир ёғалоқ,
Топган топ[illegible]...

Даврон АҲМАД олган сурат

Орзулар олами

Яқинда Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театрида истеъдодли драматург Санжарали Имомовнинг икки пардали «Эргинамнинг орзуси» комедияси намойиш этилди.

Замонавий мавзудаги асарда бир оила мисолида эр-хотин ўртасидаги муносабатлар ойдинлашади. Оиладаги муҳит, оилада аёлнинг ўрни, аёл жозибаси турли эпизодларда очиб берилади.

Саҳнада оила бошлиғи, яъни эр ролини ижро этган Жамшид Зокировнинг маҳорати, уй бекаси ролини ижро этган Гавҳар Зокированинг янги имконият қирралари томошабинларни ҳайратга солди.

Режиссёр М. Хачатуров спектаклга «Ҳаё билан гўзал аёллар» қўшиғини киритгани асарнинг аҳамиятини янада оширган.

Ўзбек аёлига хос бўлган энг гўзал туйғулар барчамизга насиб этсин.

Ҳуршида ЙЎЛДОШХОНОВА

Она меҳрининг баҳоси қанча?

Чанг босиб хиралашган ойна эски ҳисобланмайди, чунки қўл юргизган сари тиниқлашади, унинг юзидаги хиралик фақат диққат марказидан четда қолиб, унутилганини кўрсатади, холос. Хотиралар, улар ҳам худди шундай — кун ўтган сари хира тортган ойна каби бўлиб боради. Лекин эсга олинганда тиниқлашиб баъзан юракни қон қақшатса, баъзан эса севинч ва соғинч кўз ёшларига сабаб бўлади.

Ҳар биримизнинг энг ёрқин, ширин хотираларимиз ота-онамиз билан боғлиқ десам янглишмаган бўламан. Эсингиздами, болаликдаги ҳархашаларингиз, дадангиз урушганларида онангизнинг ёнингизни олишлари, кўп музқаймоқ еб қасал бўлганингизда онангиз кечаси билан бошингиздан кетмай йиғлаб чиққанлари ёки илк бор мактабга борадиган кунингизда онангиз сизга тикиб берган кўйлаклари.

Ҳа, буларни унутиш қийин...Сиз ҳозир анча улғайгансиз., бола-чақангиздан ортиб ҳафтада бир маротаба онангизни кўргани борсангиз катта гап. Баъзан ўз-ўзингизга онангизни беш кунлиги бор-йўқлигини ўйлаб, ёнларига кўпроқ бориб дилларини шод қилсангиз ҳеч нарса бўлмаслигини айтасиз. Ҳеч ўйлаганмисиз чақалоқлигингиздан эртаю кеч боққан онангиз нимани ўйлаган: сиздан фарқли ўлароқ у катта бўлиб, оила қуриб, бола-чақали бўлишингизни, ҳаётда ўз ўрнингизни топиб, соғ-саломатлик ичида бахтли-саодатли умр кечиришингизни тилаган.

Ҳа, дўстим биз қанча ҳаракат қилмайлик, барибир бағри водийлар каби бепоён, шафқат ва меҳрибонлиги уммон каби чексиз бўлган онажонимизнинг бизга бағишлаган ҳаётининг ҳаққини ҳеч ҳам адо этолмаймиз.

Шаҳноза ҚАЮМОВА

«Савдогарбанк» Амалиёт бошқармасининг аризасига асосан «Ким и К» ишлаб чиқариш тижорат фирмасини банкрот деб эътироф этиши бўйича Тошкент шаҳар хўжалик суди 1999 йил 25 июнда № 2114-я сонли ажрим чиқарди. «Ким и К» ИЧТФ кредиторларининг биринчи йиғилиши 1999 йил 14 июль соат 9.00да «Савдогарбанк» Амалиёт бошқармаси биносида ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Сайид Барака кўчаси, 76-уй.
Тел.:55-73-07, 55-76-85.

«Ўзбекистон овози» газетасининг 1999 йил 6 июль сонида чоп этилган Тошкент шаҳар Кўчмас мулк биржаси томонидан берилган 16 июль ва 23 июль кунлари кимошди савдолари ўтказиш ҳақидаги эълонга қуйидаги қўшимчалар киритилди:

«Кимошди савдоларига қуйидагилар қўйилади» бўлимининг 1«Г» пункти қуйидаги таҳрирда ўқилсин:

«Г») ОТАЖ «Ёғочни комплекс қайта ишлаш технологик комплектлаш» корхонасига тегишли:
— ДСП ишлаб чиқариш мажмуаси, АБК ишлаб чиқариш мажмуаси барча асбоб-ускуналари билан, б/н — 6 млн. 722 минг 618 сўм.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги Фурқат номли 196-ўрта мактаб томонидан Қосимов Шуҳрат Шокировичга 1991 йилда берилган А—515047 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

1999 йил 15-29 июль кунлари бўлиб ўтадиган аукционга қўшимча равишда қўйилади

Тошкент шаҳар солиқ Бош бошқармаси томонидан тақдим этилган фуқаролардан мусодара қилинган автомашиналар:

1) БМВ 320 - 86 йил Б/н: 596249 сўм
2) БМВ 750 - 88 йил Б/н: 793936 сўм
3) ВАЗ 2105 - 84 йил Б/н: 66212 сўм
4) ВАЗ 2105 - 83 йил Б/н: 105939 сўм

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-76-04
Котибият — 133-21-43
Факс — 133-47-80, 133-38-55, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 136-55-16;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир Ҳамид ИКРОМОВ, навбатчи Фаррух ҲАМРОЕВ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ФАЙЗУЛЛАЕВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004 Газета офсет усулида, А—2 форматда, 18.117 нусхада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0532

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 22.00
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Ҳамиша биз билан бирга бўлинг!

Реклама ва эълонлар учун телефонлар:

«Ўзбекистон овози» — 133-47-80, 133-38-55
«Голос Узбекистана» — 136-26-70,
«Осиё бозори» — 133-06-83

(Газетанинг навбатдаги сони 17 июль — шанба куни чиқади)